

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН РУХИЙ САЛОМАТЛИК
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/15.12.2022.Tib.154.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЛЯН ЕКАТЕРИНА МИХАЙЛОВНА

**ХАВОТИРЛИ НЕВРОТИК БУЗИЛИШЛАРДА ҚИСҚА МУДДАТЛИ
ИНТЕГРАТИВ ПСИХОТЕРАПИЯНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.18 – Психиатрия ва наркология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Лян Екатерина Михайловна Хавотирли невротик бузилишларда қисқа муддатли интегртив психотерапиянинг самарадорлиги.....	3
Лян Екатерина Михайловна Эффективность краткосрочной интегративной психотерапии при тревожных невротических расстройствах.....	21
Lyan Ekaterina Mikhaylovna Efficacy of short-term integrative psychotherapy in anxiety neurotic disorders.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	44

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН РУХИЙ САЛОМАТЛИК
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/15.12.2022.Tib.154.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

**ЛЯН ЕКАТЕРИНА МИХАЙЛОВНА
ХАВОТИРЛИ НЕВРОТИК БУЗИЛИШЛАРДА ҚИСҚА МУДДАТЛИ
ИНТЕГРАТИВ ПСИХОТЕРАПИЯНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.18 – Психиатрия ва наркология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1368 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.narcomedcenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ашуров Зарифжон Шарифович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Султонов Шохрух Хабибуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Абдуллажанова Шахло Джурахановна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган рухий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/15.12.2022.Tib.154.01 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 102147, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар қ. 1-уй. Тел.: (+99878) 150-79-34, 150-78-95. Факс: (+99878) 150-78-94. e-mail: info@narcomedcenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган рухий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 102147, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар қ. 1-уй. Тел.: (+99878) 150-79-34, 150-78-95. Факс: (+99878) 150-78-94.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

У.Х. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

И.И. Хайрединова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ф.Ш. Бахрамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Хавотирли невротик бузилишларнинг ортиб бориши рухий касалликларнинг энг кенг тарқалган гурухи бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, «... 2023 йилдан буён 301 миллиондан ортиқ инсон хавотирли, 280 миллион невротик бузилишлар ҳамда 40 миллион инсонларда эса рухий бузилишлар кузатилмоқда»¹. Ушбу хавотирли невротик бузилишларнинг клиник патохарактерологик хусусиятларини, ижтимоий-психологик омилларини, хавотирли невротик бузилишлардаги шахс хусусиятлари муаммо сифатида эътироф этилиши мазкур касалликда самарали тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги мазмундаги назарий ва амалий илмий изланишлар олиб боришнинг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда хавотирли невротик бузилишларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштиришда юқори самарадорликка эришишга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, хавотирли невротик бузилишларга олиб келувчи омилларни ўрганиш, хавотирли бузилишларнинг базис даво билан биргаликда ўзаро психотерапевтик боғлиқлик жиҳатларини аниқлаш, клиник патохарактерологик хусусиятларини, жумладан, хавотирли невротик бузилишларни эрта ташхислаш, прогнозлаш, ҳамда рухий бузилишларни даволаш алгоритмининг асосий мезонлари бўйича илмий тадқиқотларни устувор даражада амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини сифат жиҳатидан ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш борасида, жумладан хавотирли невротик бузилишларни эрта ташхислаш ва самарали даволаш, клиник хусусиятларини босқичма – босқич баҳолаш ҳамда олдини олиш даражасини янги поғонага кўтариш бўйича қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Бу борада, «...рухий ҳолат бузилишларини эрта аниқлаш, уларга ташхис қўйиш, рухий ҳолати бузилган шахсларни даволаш сифатини ошириш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, хавотирли невротик бузилишларнинг интегратив психотерапия даво чораларини аниқлаш, шунингдек, бундай беморларни ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабр ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва 2023 йил 19 июн ПҚ-196-сон «Аҳолининг рухий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2018 йил 16 мартдаги ПҚ-3606-сон «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019

¹Global Health Data Exchange.Seattle: Institute for Health Metrics and Evaluation; 2019 (2023 й. 5 сентябр)

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 19.06.2023 йилдаги ПҚ-196-сон Аҳолининг рухий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

йил 13 феврал ПҚ-4190-сон «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хавотирли невротик бузилишлар бугунги кунда замонавий психиатрия амалиётида қисқа муддатли психотерапия қилишнинг юқори самарадор усулларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган усулларни мукамал равишда қўллашга эътибор берилмоқда. Россиялик тадқиқотчи (Гаранян Н.Г., 2023; Холмогорова А.Б., 2022; Бабин С.М. 2021 ва б.) мутахассислар томонидан қисқа муддатли интегрatív психотерапия руҳий бузилишлар, жумладан, депрессив эпизод, невротик хавотирли бузилишларда (Grilli M., Zaed I. 2023) илмий ишлар олиб борганлар. Қатор тадқиқотчилар томонидан айниқса, когнитив хулқ-атвор ва экзистенциал терапия комбинациясида қисқа муддатли ёндашувларнинг самарадорлиги тадбиқ этилган бўлса (Эльзессер А.С., Капустина Т.В., 2024; Маркелова Е.В., 2018; Digiuseppe R., et al., 2023), Пекин университетида анъанавий хитой тиббиёти элементлари билан қисқа муддатли терапия моделлари (Wang J. et al., 2017) синовдан ўтказилиши билан бир қаторда ёшларда кузатилган хавотирли ҳолатларни камайтиришда аниқ сабабни аниқлаган.

Сўнгги йилларда хавотирли невротик бузулишлар учун психотерапия самарадорлигини баҳолайдиган бир нечта тадқиқотлар мавжуд бўлиб, нуфузли хорижий университетлар мутахассислари, жумладан, Miller A.H., Maletic V., Raison Ch. L. (2021) томонидан хавотирли невротик бузилишли беморларда қисқа муддатли интегрatív психотерапия орқали ҳаёт сифатини яхшилаш, ўзаро муносабатлардаги ижобий ўзгаришларга Navarrete N. (2020) бемор ўзини-ўзи кадрлашига ва умумий саломатлиги яхшиланишига олиб келинишини кўрсатадиган тадқиқотлар олиб борилган. Seu T.M.C., Sabio-Sanchez J.M. (2019) томонидан ўтказилган тадқиқотларда психоанализга асосланган психотерапия, когнитив-бихевиореал психотерапия усулларидан фойдаланилган. Хавотирли невротик бузилишларда ҳис-туйғуларни ифода этиш ва улар билан курашиш қийинлиги аниқланган.

Ўзбекистонда хавотирли невротик бузилишларни кейинги ўн йилликда кенг қўламда ўрганилаётган илмий тадқиқотлар асосан хавотирли невротик бузилишларнинг (Н.И. Ходжаева ва хам., 2014; З.Ш. Ашуров ва хам., 2022; Ж.Т. Рустамова, 2022) клиник кечишига, амбулатория амалиётида психодинамика (С.А. Ахмедов 2018) ва когнитив хулқ-атвор техникасидан (Л.А. Турсунходжаева, Ф.Ш. Бахрамов, 2018) фойдаланишга қаратилган.

Дунёда хавотирли невротик бузилишларнинг когнитив, эмоционал ва хулқ хусусиятларига комплекс таъсир кўрсатишда даволаш самарадорлигини ошириш, даволаш вақтини қисқартириш, рецидивлар эҳтимолини камайтириш орқали қисқа муддатли интегротив психотерапия самарадорлигини ўрганиш, жумладан: хавотирли невротик бузилишларнинг клиник патохарактерологик жихатлари, ижтимоий-психологик омиллари, уларнинг шахс хусусиятларини илмий асослашга қаратилган тадқиқотлар долзарб бўлиб, илмий-амалий, тиббий ва ижтимоий аҳамиятини ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация олий таълим муассасаси Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режа №012300283 «Қарамлик ва рухий касалликлар профилактикаси, ташхислаш усуллари, прогноз ва даволаш мезонлари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хавотирли невротик бузилишларда қисқа муддатли интегротив психотерапия самарадорлигини ўрганиш ва психотерапевтик ёндашувларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хавотирли невротик бузилишларнинг клиник патохарактерологик хусусиятларини баҳолаш;

хавотирли невротик бузилишларга олиб келувчи ижтимоий-психологик омиллар даражасини аниқлаш;

хавотирли невротик бузилишлари бўлган беморларнинг аниқланган шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда психотерапевтик усулларни қўллашда интегротив ёндашув самарадорлигини таҳлил қилиш;

хавотирли невротик бузилишлари бўлган беморларда психотерапик алгоритмни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган рухий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг психиатрия хизмати бўйича Тошкент шаҳар филиалида 2019-2023 йилларда даволанган 25 ёшдан 47 ёшгача бўлган хавотирли невротик бузилишлари бўлган 121 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида хавотир невротик бузилишлари бўлган беморларнинг ижтимоий-психологик, клиник-анамнестик, клиник-психопатологик хусусиятлари ва уларнинг ўтказилган даволаш натижалари динамикаси ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари: тадқиқотда клиник, клиник-катамнестик, экспериментал-психологик, статистик, тиббий-статистик ва сўровнома усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хавотирли невротик бузилишларда ипохондрик кайфиятнинг устунлиги билан соматовегетатив симптомакомплекс касалликнинг оғирлик даражаси орасидаги тизимли боғлиқлиги исботланган;

преморбид шахс ривожланиш давридаги хавотирли-невротик бузилишлар касалликнинг эрта бошланиши ва тез шаклланишига олиб келадиган асосий омил асосланган;

қисқа муддатли интегрatív психотерапия усули ёрдамида шахс шаклланишидаги этиопатогенетик ривожланганлик, клиник ва ижтимоий мослашувнинг самарадорлик даражаси аниқланган;

қисқа муддатли интегрatív психотерапевтик даво хавотирли неврoтик бузилишларни олдини олишда қиёсий ёндашув алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тиббий амалиётда хавотирли неврoтик бузилишларни эрта аниқлаб, уларни қисқа муддатли интегрatív психотерапия орқали коррекция қилиш ва психофармакотерапик усулини қўллаш ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижалари психиатр ва психотерапевтларга хавотирли неврoтик бузилишларни коррекция қилишларида қисқа муддатли интегрatív психотерапия усули дифференциал индивидуал ёндошув таклиф этилган;

қисқа муддатли интегрatív психотерапия хавотирли неврoтик бузилишларнинг эрта рецидивлари частотасини камайтиришга ва терапияга содиқлик даража алгоритми тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқот натижаларининг замонавий усул ва ёндашувлар қўлланилганлиги, назарий маълумотлар олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, қиёслаш гуруҳларининг мавжудлиги, умумклиник ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, касалликни олиб боришнинг комплекс ва интегрatív тамойилларига асосланган концептуал ёндашув ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, қисқа муддатли интегрatív психотерапия ўтказиш алгоритмини яратиш бўйича услубий тавсиялар яратилганлиги ва олинган натижалар ишончилиги тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Хавотирли неврoтик бузилишларнинг илмий аҳамияти клиник-психологик хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни очиб бериш, кейинчалик уларнинг шахс хусусиятлари билан корреляцияси қонуниятлари ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш билан тавсифланади. Натижада, тадқиқот натижалари хавотирли неврoтик бузилишларни даволаш-психотерапевтик дастурларини такомиллаштириштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти хавотирли неврoтик бузилишлар билан касалланган беморларда англаш даражасини ошириш ва хавотирланишни камайтиришга қаратилган хавотирли неврoтик бузилишларни қисқа муддатли интегрatív психотерапиясини ўтказишнинг инновацион алгоритми ишлаб чиқилганлиги ҳамда амалиётга тадбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хавотирли неврoтик бузилишларда қисқа муддатли интегрatív психотерапиянинг самарадорлиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: хавотирли невротик бузилишларда ипохондрик кайфиятнинг устунлиги билан соматовегетатив симптомакомплекс касалликнинг оғирлик даражаси орасидаги тизимли боғлиқлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 2 май 03-23/22-t-сон билан тасдиқланган “Алгоритм проведения краткосрочной интегративной психотерапии при тревожных невротических расстройствах” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф №2 сонли Тошкент вилоят психиатрик касалхона 29.07.2024 йилдаги №31-сон ва Тошкент вилоят психоневрологик диспансер 25.07.2024 йилдаги №67-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрдаги 10/36 – сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* хавотирли невротик бузилишлар клиника патохарактерологик хусусиятини аниқлаш ҳамда қисқа муддатли интегратив психотерапия усулидан фойдаланиш беморни имкон қадар қисқа вақт оралиғида ижтимоий ва касбий фаолиятини тиклашга эришилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* қисқа муддатли интегратив психотерапия усули бемор стационар даволаниш муддатини қисқартиради, тўғридан-тўғри тиббий харажатлар 194000 сўмдан 2329000 сўмга қисқартирилди. Узоқ, қайталаниб кечган, соматик компонентга эга бўлган, антивитал кайфиятли хавотирли невротик бузилишларнинг келгусидаги ҳолатини тавсифловчи прогностик ахамиятга молик индикатор параметрлари аниқланиб битта бемор учун 2328000 сўм тежаш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: преморбид шахс ривожланиш давридаги хавотирли-невротик бузилишлар касалликнинг эрта бошланиши ва тез шаклланишига олиб келадиган асосий омил асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 2 май 03-23/22-t-сон билан тасдиқланган “Алгоритм проведения краткосрочной интегративной психотерапии при тревожных невротических расстройствах” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф №2 сонли Тошкент вилоят психиатрик касалхона 29.07.2024 йилдаги №31-сон ва Тошкент вилоят психоневрологик диспансер 25.07.2024 йилдаги №67-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрдаги 10/36 – сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* шахснинг ижтимоий-психологик омилларидан маълумоти, оилавий ахволи, ижтимоий олиб борадиган фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, хавотирга берилувчан, дистимик, циклотимик ва қўзғалувчан шахсларга қўллаш эрта натижа олиниши аниқланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* преморбид шахс ривожланиш давридаги хавотирли-невротик бузилишлар касалликнинг эрта бошланиши ва тез шаклланишига олиб келадиган асосий омил асосланганлиги натижасида бевосита тиббий харажатлар сарфи 2024 йилда Олмалик шаҳрида 24540000 сўмдан 2023 йилга нисбатан 8834000 сўмга камайганлиги, Чирчиқ шаҳрида эса 2023 йилда 22118000 сўмдан 2024 йилдаги 7962000 сўм тежаш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: қисқа муддатли интегротив психотерапия усули ёрдамида шахс шаклланишидаги этиопатогенетик ривожланганлик, клиник ва ижтимоий мослашувнинг самарадорлик даражаси аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 2 май 03-23/22-t-сон билан тасдиқланган “Алгоритм проведения краткосрочной интегративной психотерапии при тревожных невротических расстройствах” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф №2 сонли Тошкент вилоят психиатрик касалхона 29.07.2024 йилдаги №31-сон ва Тошкент вилоят психоневрологик диспансер 25.07.2024 йилдаги №67-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрдаги 10/36 – сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* қисқа муддатли интегротив психотерапия усули ёрдамида шахс шаклланишидаги этиопатогенетик ривожланганлик, клиник ва ижтимоий мослашувнинг самарадорлик даражаси аниқланганлиги хавотирли невротик бузилишлар кузатилган беморларни ҳаёт сифатини ошиши ҳамда соғлиқни сақлаш тизими юқини камайтиришга эришилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* хавотирли невротик бузилишлар билан касалланган беморларни олиб бориш ва даво чораларини аниқлаш қисқа муддатли интегротив психотерапия усулини қўллаш Олмалик шаҳрида 2023 йилда битта бемор учун 270000 сўм ташкил этган бўлса, 2024 йил 76000 сўмни ташкил этганлиги 72,1 % харажатларни тежаш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: қисқа муддатли интегротив психотерапия хавотирли невротик бузилишларнинг эрта рецидивлари частотасини камайтиришга ва терапияга содиқлик даража алгоритми тадбиқ этилганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 2 май 03-23/22-t-сон билан тасдиқланган “Алгоритм проведения краткосрочной интегративной психотерапии при тревожных невротических расстройствах” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф №2 сонли Тошкент вилоят психиатрик касалхона 29.07.2024 йилдаги №31-сон ва Тошкент вилоят психоневрологик диспансер 25.07.2024 йилдаги №67-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрдаги 10/36 – сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* қисқа муддатли интегротив психотерапия усулини такомиллаштириш натижасида Чирчиқ шаҳрида 2023 йилда битта бемор учун 90 минут сарф этилган бўлса, 2024 йилда битта бемор учун 32 минутни ташкил этди ва рухий саломатлик соҳасидаги тиббиёт ходимлари юқини камайтирилганлиги аниқланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* қўлланилган психотерапевтик ёндошув ва такомиллаштирилган алгоритм Чирчиқ шаҳрида 2023 йилда 22118000 сўмни 2024 йилда эса 962000 сўмни ташкил этиб, хавотирли невротик бузилишлар кузатилган беморларга тавсия этилган алгоритм ва қисқа муддатли интегротив психотерапия хавотирли невротик бузилишларнинг эрта рецидивлари частотасини камайтиришга ва

терапияга содиқлик даража алгоритмининг зарурлигига асосланган чоратадбирларни ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижасини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 4 та мақола, Scopus маълумотлар базаси томонидан индексланган хорижий журналларда 2 та мақола, шунингдек, 1 та услубий тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркибий кириш, 4 та боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 102 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Адабиётлар шарҳи. Хавотирли невротик бузилишларнинг клиник-психосоциал тавсифи ва уларнинг психотерапиясига замонавий ёндашувлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида муаммонинг замонавий ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган. Хавотирли невротик бузилишларнинг руҳий касалликларнинг иқтисодий юкига таъсири, ўрганилаётган патологиянинг клиник кечиши ва прогнозининг ўзига хос хусусиятлари, хавотирли невротик бузилишларни даволашда психотерапевтик ёндашувлар ҳақидаги замонавий ғоялар, хавотирли невротик бузилишлари бўлган беморларда психотерапиянинг клиник аҳамияти бўйича кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар таҳлил қилинган. Муаммони ўрганиш аспекти аниқланди ва комплекс тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини асословчи хулоса шакллантирилди.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморлар ва тадқиқот усулларининг умумий тавсифи берилган. Тошкент шаҳар руҳий касалликлар клиник шифохонасида хавотирли невротик бузилишлар туфайли даволанган 121 нафар беморнинг клиник хусусиятлари батафсил ёритилган.

Беморлар (n=121) 2 гуруҳга бўлинди. I гуруҳга (асосий гуруҳ) F-40.x - фобик хавотирли бузилиши ва F-41.x - бошқа хавотирланиш бузилиши ташхиси қўйилган беморларнинг 55,4 фоизи (n=67) киритилди. II гуруҳга

(назорат гуруҳи) худди шу ташхислар қўйилган беморларнинг 44,6 фоизи (n=54) киритилди. I гуруҳда психотерапевтик аралашув сифатида таклиф этилаётган қисқа муддатли интегротив психотерапия усули қўлланилди, II гуруҳда эса стандарт рационал психотерапия қўлланилди.

Тадқиқот материалларини тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш жараёнида клиник-психопатологик, тиббий-психологик, клиник-катамнестик ва статистик усуллар қўлланилди. Хавотирли невротик бузилишлари бор беморлардаги психопатологик аломатлар махсус ишлаб чиқилган анкета-сўровнома ёрдамида баҳоланди. Экспериментал-психологик усуллардан Гамилтон хавотир шкаласи (HARS), Гамилтон депрессия шкаласи (HDRS), умумий клиник таассурот шкаласи (CGI-S) ва Леонгард-Шмишек характерологик сўровномасидан фойдаланилди.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Microsoft Office Excel-2020 дастурий пакети ёрдамида статистик қайта ишланди. Бунда Intel Core i5 шахсий компютерида ўрнатилган статистик таҳлил функцияларидан фойдаланилди.

Такрорий ўлчовлар учун дисперсия таҳлили (Repeated Measures ANOVA, RM-ANOVA) қўлланилди. Бу усул даволашдан олдин ва кейин гуруҳлар ичидаги ўзгаришлар динамикасини баҳолаш имконини берди. Шунингдек, терапия бошланишидан олдинги ва у тугагандан кейинги кўрсаткичлар ўртасидаги статистик жиҳатдан муҳим фарқларни аниқлашни таъминлади.

Статистик аҳамиятлилик даражаси $p < 0,05$ қийматида белгиланди.


Тадқиқот тўрт: преморбид шахсий хусусиятларни ўрганишдан бошлаб, аниқланган омилларни ҳисобга олган ҳолда психотерапия самарадорлигини қиёсий таҳлил қилишгача босқичларда амалга оширилди. Бундай ёндашув қисқа муддатли интегротив ва стандарт рационал психотерапияни объектив қиёсий баҳолаш имконини берди ҳамда олинган натижаларнинг кенг қамровли ва ишончли бўлишини таъминлади.

Диссертациянинг «**Хавотирли невротик бузилишларнинг асосий клиник ва психопатологик хусусиятлари таҳлили**» номли учинчи бобда хавотирли невротик бузилишларнинг клиник ва психопатологик хусусиятлари ёритилган. Бу боб икки қисмдан иборат: хавотирли невротик бузилишларнинг клиник хусусиятлари ҳамда ушбу бузилишларнинг беморларнинг преморбид шахс хусусиятлари билан алоқаси.

Тадқиқот жараёнида қисқа муддатли интегротив психотерапия беморларнинг стандарт клиник текшируви, клиник-психологик текшируви ва психофармакотерапия тайинланганидан сўнг, шифохонада даволанишнинг иккинчи ҳафтасидан бошланган.

Учинчи бобнинг биринчи қисмида беморлардаги хавотирли бузилишларнинг клиник манзараси тасвирланган. Асосий симптомлар доимий ички безовталиқ ва бўшашиш имкониятининг йўқлиги ҳисси эканлиги аниқланган. Хавотирли руминациялар кўп ҳолларда келажак, эҳтимолий муаммолар ва бемор учун муҳим шахслараро муносабатлар мавзусида бўлган. Беморлар вазиятни фожиали деб баҳолашга моил бўлиб, салбий жиҳатларни бўрттириб кўрсатганлар ва эътиборларини эҳтимолий хатоларга қаратганлар.

Вегетатив белгилар орасида юрак уришининг тезлашуви ва кўп терлаш кузатилган. Беморлар стрессга таъсирчан бўлиб, хавотирларини қийинчилик билан бошқарганлар, ҳиссий беқарорлик (йиғлоқлик, асабийлашиш) намоён бўлган, ижтимоий фаолликдан ва қарор қабул қилишдан қочганлар. Шунингдек, мотивациянинг пасайиши, аввалги қизиқишларнинг йўқолиши, ҳолсизланиш ва тез чарчаш ҳолатлари ҳам қайд этилган.



1-расм. Хавотирли невротик бузилишларнинг соматик симптомлари ($P > 0,05$)

Вегетатив белгилар барча беморларда кузатилди: биринчи гуруҳда 67 нафар (100%) ва иккинчи гуруҳда 54 нафар (100%) (1-расм). Юрак-қон томир тизимига тегишли симптомлар биринчи гуруҳдаги 59 нафар (88,1%) ва иккинчи гуруҳдаги 45 нафар (83,3%) беморда қайд этилди ($p = 0,457$). Сенсор симптомлар биринчи гуруҳда сезиларли даражада кўпроқ учради - 58 кишида (86,6%), иккинчи гуруҳда эса 33 (61,1%) ($p = 0,001$). Нафас олиш тизимига доир симптомлар мос равишда 49 (73,1%) ва 39 (72,2%) беморда кузатилди ($p = 0,911$). Мушак тизими симптомлари биринчи гуруҳда 15 (22,4%) ва иккинчи гуруҳда 18 (33,3%) беморда аниқланди ($p = 0,179$). Ошқозон-ичак тизимига тегишли белгилар - 39 (58,2%) ва 33 (61,1%) беморда кузатилди ($p = 0,746$). Жинсий майл пасайиши биринчи ва иккинчи гуруҳларда мос равишда 30 (44,8%) ва 28 (51,9%) беморда қайд этилди ($p = 0,439$).

Даволанишдан олдин гуруҳлар тенг эди. Хавотирни баҳолаш учун Гамилтон шкаласи бўйича ўртача кўрсаткичлар биринчи гуруҳда 33,090 (стандарт оғиш 5,305) ва иккинчи гуруҳда 32,944 (6,160) ни ташкил этди ($p = 0,890$). Гамилтон депрессия шкаласи бўйича - 14,060 (2,928) ва 13,926 (3,607) ($p = 0,822$) бўлиб, бу энгил депрессияни кўрсатади. Умумий клиник таассурот шкаласи бўйича ҳолатнинг оғирлик даражаси 3,060 (1,217) ва 2,907 (1,457) ни ташкил этди ($p = 0,532$). Беморлар симптомларнинг пайдо бўлишини стресс ва

уйқусизлик билан боғлашган, дастлаб терапевт ёки неврологга, кейинчалик эса психиатрга мурожаат қилишган.

Учинчи бобнинг иккинчи бўлимида преморбид шахс типининг хавотирли невротик бузилишларга таъсири бўйича маълумотлар келтирилган. Жами 121 нафар бемор текширилди, шахс типларининг тақсимланиши 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал

Тадқиқот гуруҳлари ўртасида преморбид шахс типларининг тақсимланиши

Преморбид шахс типи	1 гуруҳ n (%)	2 гуруҳ n (%)	Жами n (%)	$\chi^2=1.200,$ $p=0.991,$ $V=0.100$
қотиб қолувчи	13 (19.40%)	12 (22.22%)	25 (20.66%)	
хавотирли	18 (26.87%)	12 (22.22%)	30 (24.79%)	
аффектив-экзалтирланган	8 (11.94%)	8 (14.81%)	16 (13.22%)	
сиклотимик	2 (2.99%)	2 (3.70%)	4 (3.31%)	
демонстратив	10 (14.93%)	6 (11.11%)	16 (13.22%)	
қўзғалувчан	3 (4.48%)	2 (3.70%)	5 (4.13%)	
эмотив	9 (13.43%)	9 (16.67%)	18 (14.88%)	
дистимик	4 (5.97%)	3 (5.56%)	7 (5.79%)	

Хавотирли тип икки гуруҳда умумий 30 кишида (24,79%), қотиб қолувчи - 25 кишида (20,66%), эмотив - 18 кишида (14,88%), демонстратив ва аффектив-экзалтирланган - 16 та (13,22%), дистимик - 7 кишида (5,79%), қўзғалувчан - 5 кишида (4,13%), сиклотимик - 4 кишида (3,31%) аниқланди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятсиз ($p = 0,991$).

Шахснинг хавотирли типи доимий таранглик, фалокат кутиш ва можаролардан қочиш билан тавсифланиб, бу хавотирни янада кучайтиради. Қотиб қолувчи тип салбий ҳис-туйғуларга маҳкам боғланиш, педантлик ва стрессли вазиятларга мослашувчанликнинг пастлиги билан ажралиб турди. Эмотив беморлар сезгир, эмпатик, аммо стрессга ҳам таъсирчан эканлиги аниқланди. Аффектив-экзалтирланган беморлар кучли ҳис-туйғулар ва таъсирчанликни, демонстратив шахслар эса театраллашган хатти-ҳаракатлар ва бошқаларнинг эътиборига ташналикни намоён этди. Сиклотимик беморлар кайфиятнинг кўтарилиши ва пасайиши алмашинувини қайд этди, қўзғалувчанлар импульсив, дистимикларлар эса пессимистик ва ички дунёсига қаратилганликни наёмоён этди.

Хавотирли ва қотиб қолувчи типлар (умумий тўпламнинг 45,45%) кўпинча хавотирли бузилишлар билан боғлиқ бўлган, дистимик, сиклотимик ва қўзғалувчан (13,23%) типлар эса - камроқ. Олинган маълумотларнинг амалий қўлланилиши кенг қўламли: биринчидан, бу ўрганилаётган

бузилишларни аниқ ташхислаш ва уларнинг ривожланишини башорат қилиш имконини беради. Иккинчидан, ушбу омилларни билиш моил шахс типларига эга бўлган одамларда хавотирли бузилишлар ривожланиши хавфини камайтиришга қаратилган самарали профилактика чораларини ишлаб чиқишга ёрдам бериши мумкин.

Диссертациянинг «**Хавотирли невротик бузилишларни даволашда қисқа муддатли интегрatív психотерапия самарадорлигини баҳолаш**» номли тўртинчи бобида хавотирли невротик бузилишларни даволашда қисқа муддатли интегрatív психотерапия ва рационал психотерапия самарадорлигини қиёсий баҳолаш натижалари келтирилган. У усулларнинг клиник самарадорлиги, уларни таққослаш, преморбид шахс типининг даволаш натижасига таъсири ва таклиф этилаётган усулнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилувчи бешта бўлимдан иборат.

Хавотирли невротик бузилишлари бўлган беморларда қисқа муддатли интегрatív психотерапия самарадорлиги (1-гурух).

Бу бўлимда 67 нафар бемордан иборат биринчи гуруҳда қисқа муддатли интегрatív психотерапияни қўллаш натижалари баён этилган. HARS шкаласи бўйича хавотирнинг ўртача балли даволаш курсидан сўнг 33,09 дан (SD = 5,31) 8,70 гача (SD = 3,49) пасайган. Статистик таҳлил ($t = 27,72$, $p < 0,001$) ва ишонч интервали (ИИ) 22,63-26,14 хавотирнинг сезиларли даражада камайганлигини тасдиқлайди, хавотир клиник аҳамиятлилик чегарасидан пастга тушганини кўрсатади. HDRS шкаласи бўйича депрессив белгилар 14,06 дан (SD = 2,93) 3,79 гача (SD = 2,12) камайган, бу ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятли ($t = 28,37$, $p < 0,001$, ИИ 9,55-10,99) бўлиб, депрессия белгиларининг йўқолганлигини кўрсатади. CGI-S шкаласи бўйича ҳолатнинг оғирлиги 3,06 дан (SD = 1,22) 1,42 гача (SD = 0,50) камайган ($t = 10,16$, $p < 0,001$, ИИ 1,32-1,96), бу енгил оғирлик даражаси ёки ремиссияга ўтишни акс эттиради. Ушбу маълумотлар таклиф этилаётган усулнинг хавотирли невротик бузилишларга нисбатан юқори самарадорлигини кўрсатади. Терапиянинг дастлабки ҳафталариданоқ яхшиланиш кузатилган, бу унинг тез таъсир қилишини тасдиқлайди.


Хавотирли невротик бузилишлари бўлган беморларда рационал психотерапия самарадорлиги (2-гурух).

Ушбу бўлим 54 нафар бемордан иборат иккинчи гуруҳда рационал психотерапия натижаларини таҳлил қилишга бағишланган. HARS шкаласи бўйича хавотир 32,94 дан (SD = 6,16) 18,81 гача (SD = 5,16) пасайган, бу статистик жиҳатдан аҳамиятли ($t = 19,04$, $p < 0,001$, ИИ 12,64-15,62), аммо клиник қайд этилган ремиссия чегарасидан юқори бўлиб қолган. HDRS шкаласи бўйича депрессия 13,93 дан (SD = 3,61) 4,09 гача (SD = 2,00) камайиб ($t = 19,09$, $p < 0,001$, ИИ 8,80-10,87), симптомлар йўқлигига яқин даражага етган. CGI-S шкаласи бўйича ҳолатнинг оғирлиги 2,91 дан (SD = 1,46) 2,09 гача (SD = 0,98) камайган ($t = 3,49$, $p = 0,001$, ИИ 0,35-1,28), бу ўртача яхшиланишни кўрсатади, аммо тўлиқ тикланиш кузатилмаган. Усул ижобий таъсир

кўрсатган, бироқ хавотирнинг пасайиши биринчи гуруҳга нисбатан камроқ намоён бўлган. Беморлар ўзларини яхши ҳис қилганлар, аммо қолдиқ хавотир белгилари сақланиб қолган.


Қисқа муддатли интегротив психотерапия ва рационал психотерапия самарадорлигини қиёсий баҳолаш.

Ушбу бўлимда қисқа муддатли интегротив психотерапия ва рационал психотерапия самарадорлигининг қиёсий таҳлили келтирилган.




2-расм. Ҳар икки гуруҳда Гамилтон хавотирланиш шкаласи (HARS) кўрсаткичлари динамикасининг таҳлили

HARS бўйича биринчи гуруҳда кўрсаткич 33,09 дан 8,70 гача, иккинчи гуруҳда эса 32,94 дан 18,81 гача пасайди. Бунда ўтказилган таҳлил ($F(1,119) = 74,92, p < 0,001, \text{partial } \eta^2 = 0,39$) ва контраст тест (фарқ 10,26, ишонч интервали 7,91–12,61, $p < 0,001$) биринчи усулнинг афзаллигини кўрсатди (2-расм).



3-расм. Ҳар икки гуруҳда Гамилтон депрессия шкаласи (HDRS) кўрсаткичлари динамикасининг таҳлили

HDRS бўйича фарқлар жуда кам: биринчи гуруҳда 14,06 дан 3,79 гача ва иккинчи гуруҳда 13,93 дан 4,09 гача пасайган ($F(1,119) = 0,504$, $p = 0,479$, $\text{partial } \eta^2 = 0,004$). Бу натижалар депрессияга қарши даволашнинг ҳар иккала гуруҳда деярли бир хил самарали эканлигини кўрсатмоқда (3-расм).



4-расм. Ҳар икки гуруҳда умумий клиник таассурот шкаласининг касаллик оғирлик даражаси кичик шкаласи (CGI-S) бўйича кўрсаткичлар динамикаси

CGI-S бўйича биринчи гуруҳда 3,06 дан 1,42 гача, иккинчи гуруҳда эса 2,91 дан 2,09 гача пасайиши ($F(1,119) = 8,96$, $p = 0,003$, $\text{partial } \eta^2 = 0,07$) биринчи ёндашувнинг афзаллигини тасдиқлайди (4-расм).

Мак-Немар синовини шуни кўрсатдики, биринчи гуруҳдаги беморларнинг 58,2 фоизи нормага қайтди ($\text{CGI-S} = 1$), иккинчи гуруҳда эса бу кўрсаткич 35,2 фоизни ташкил этди ($p = 0,002$). Бу қисқа муддатли интегратив психотерапиянинг юқори самарадорлигини кўрсатади.

Шахс типига кўра қисқа муддатли интегратив психотерапия ва рационал психотерапия самарадорлиги динамикасини қиёсий баҳолаш.

Ушбу бўлимда 121 нафар беморда преморбид шахс типларининг даволаш натижаларига таъсири ёритилган. HARS таҳлили ($F(7,113) = 12,73$, $p < 0,001$, $\eta^2 = 0,44$) шуни кўрсатдики, хавотирли тип (26,63 га пасайиш, $SD = 8,48$) ва қотиб қолувчи (24,32, $SD = 5,38$) энг кўп яхшиланишга эришилди, эмотив (13,06, $SD = 4,15$) ва дистимик (13,43, $SD = 4,61$) эса энг кам яхшиланишга эришилди. CGI-S бўйича фарқлар аниқланмади ($F(7,113) = 1,02$, $p = 0,418$, $\eta^2 = 0,06$), пасайиш 0,84 (қотиб қолувчи) дан 1,83 (эмотив) гача ўзгариб турди. Шундай қилиб, қисқа муддатли интегратив психотерапиянинг самарадорлик даражаси беморнинг преморбид шахс типини

билан боғлиқ: энг юқори самарадорлик хавотирли ($M = 26.63$, $SD = 8.48$) ва қотиб қолувчи ($M = 24.32$, $SD = 5.38$) шахс типларида, энг паст самарадорлик эса дистимик ($M = 13.43$, $SD = 4.61$) шахс типиди кузатилди. Бу терапияни беморларнинг индивидуал хусусиятларига мослаштириш имконини беради.


Хавотирли невротик бузилишлари бўлган беморларда қисқа муддатли интегротив психотерапиянинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик касалхонага ётқизиш муддатининг қисқариши, такрорий мурожаатлар частотаси ва даволашнинг мақсадли йўналтирилганлиги билан баҳоланди. Иқтисодий самара битта муолажа учун 194 000 сўмни ташкил этди ($E_{prog} = S_{std} - E_v$). Вақт сарфи 72,2 фоизга қисқарди: 12 та муолажада 90 дақиқадан 25 дақиқагача, бу эса ходимлар ва материаллар харажатларини камайтирди. Усул даволаш жараёнини оптималлаштиради, уни янада қулай қилади. Натижалар беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва хавотирли невротик бузилишларнинг иқтисодий юқини камайтириш учун бу ёндашувни амалиётга жорий этиш муҳимлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, хавотирли невротик бузилишларни қисқа муддатли интегротив психотерапиянинг ишлаб чиқилган алгоритмининг жорий этишдан моддий-техник базанинг умумий иқтисодий самарадорлиги битта даволаш муолажасига 194 000 сўмни ташкил этади.

Вақт сарфи 72,2 фоизга камаяди, бу эса ўтказилаётган терапиянинг иқтисодий самарадорлигини сезиларли даражада оширади.

Илмий тадқиқотнинг якуний маҳсули сифатида ишлаб чиқилган қисқа муддатли интегротив психотерапия ўтказиш алгоритмининг таклиф этамиз (5-расм). Хавотирли невротик бузилишларда қисқа муддатли интегротив психотерапиянинг ишлаб чиқилган алгоритми клиник-патофизиологик текширув, хавотир табиати ҳақида психотаблим, онгли нафас олиш ва когнитив диффузия техникаларини қўллашни ўз ичига олади. Машғулотларда беморга фикрларни кузатиш, хавотирни қабул қилиш ва когнитив бузилишларни бошқариш ўргатилади. Якуний босқичлар ретсидивга қарши режани ишлаб чиқиш ва ўзини ўзи бошқариш кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат. Ушбу ёндашув хавотир белгиларини камайтириш ва ижтимоий фаолиятни яхшилашга қаратилган.



5-расм. Хавотирли невротик бузилишларда қисқа муддатли интегратив психотерапияни қўллаш алгоритми

ХУЛОСАЛАР

«Хавотирли невротик бузилишларда қисқа муддатли интегротив психотерапиянинг самарадорлиги» мавзусидаги илмий иш натижаларига кўра қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Хавотирли невротик бузилишлар ифодаланиши ва чуқурлиги жиҳатидан ўрта ва оғир даражадаги хавотирли бузилишларга кирди (хавотирни баҳолаш учун Гамилтон шкаласи (HARS) бўйича биринчи гуруҳда 33,090 (5,305) ва иккинчи гуруҳда 32,944 (6,160) ни ташкил этди ($F=0,019$, $p=0,890$, $d=0,025$, ANOVA)). Хавотирли невротик бузилишлар бир қатор муҳим клиник хусусиятларга эга бўлиб, узоқ муддатли ва доимий кечиши, хавотирнинг соматик таркибий қисмининг сезиларли даражада ифодаланиши ва унга алоҳида эътибор қаратилиши билан характерланди. Хавотирнинг соматик таркибий қисмида вегетатив (100%), юрак-қон томир (85,95%) ва сезги (75,2%) билан боғлиқ шикоятлар устунлик қилди.

2. Хавотирли ва қотиб қолувчи шахс типларида хавотирли невротик бузилишлар ишончли тарзда кўпроқ ривожланади - мос равишда 24,79% ва 20,66% ($\chi^2=1,200$, $p=0,991$, $V=0,100$), дистимик, циклотимик ва қўзғалувчан типлар эса ушбу гуруҳ бузилишларига сезиларли даражада камроқ мойил бўлади - мос равишда 5,79%, 3,31% ва 4,13% ($\chi^2=1,200$, $p=0,991$, $V=0,100$).

3. Қисқа муддатли интегротив психотерапия рационал психотерапия билан таққослаганда хавотирли симптоматикада ($\text{partial } \eta^2 = 0,39$) энг самарали бўлиб, хавотирли невротик бузилиш тузилмасидаги депрессив симптоматикага нисбатан самарадорликнинг нисбатан бир хил натижаларини кўрсатади ($\text{partial } \eta^2 = 0,004$).

4. Касалликнинг хавотир компонентида қисқа муддатли интегротив психотерапиянинг самарадорлик даражаси беморнинг преморбид шахс типи билан боғлиқ: энг юқори самарадорлик хавотирли ($M = 26,63$, $SD = 8,48$) ва қотиб қолувчи ($M = 24,32$, $SD = 5,38$) шахс типларида, энг паст самарадорлик эса дистимик ($M = 13,43$, $SD = 4,61$) шахс типиде кузатилди.

5. Қисқа муддатли интегротив психотерапия кам ресурслар (моддий ва инсоний) сарфлаб, қисқа вақт ичида (1-1,5 ой) хавотир симптомларини бартараф этиш ва беморни ижтимоий ҳамда меҳнат ҳаётига қайтариш имконини беради. Бу эса ўрганилаётган бузилишлар гуруҳининг иқтисодий юқини сезиларли даражада камайтиради ва беморларнинг даволанишга содиқлигини сезиларли даражада оширади.

6. Хавотирли невротик бузилишнинг психотерапевтик коррекциясини ўтказишда қисқа муддатли интегротив психотерапияни амалга ошириш учун ишлаб чиқилган алгоритмдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ишлаб чиқилган алгоритмдан фойдаланиш хавотирли невротик бузилишларнинг эрта рецидив частотасини камайтиришга ва даволанишга содиқлик даражасини оширишга ёрдам беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/15.12.2022.Tib.154.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ПСИХИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ЛЯН ЕКАТЕРИНА МИХАЙЛОВНА

**ЭФФЕКТИВНОСТЬ КРАТКОСРОЧНОЙ ИНТЕГРАТИВНОЙ
ПСИХОТЕРАПИИ ПРИ ТРЕВОЖНЫХ НЕВРОТИЧЕСКИХ
РАССТРОЙСТВАХ**

14.00.18 – Психиатрия ва наркология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за B2020.2.PhD/Tib1368.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.narcomedcenter.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Ашуров Зарифжон Шарифович
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Султанов Шохрух Хабибуллаевич
доктор медицинских наук, доцент

Абдуллажанова Шахло Джурахановна
доктор медицинских наук

Ведущая организация:

**Ташкентский педиатрический
медицинский институт**

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2025 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.04/15.12.2022.Tib.154.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре психического здоровья (Адрес: 102147, Ташкентская обл., Кибрайский район, село Салар, 2. Тел.: (+99878) 150-79-34, 150-78-95. Факс: (+99878) 150-78-94. e-mail: info@narcomedcenter.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра психического здоровья (зарегистрирована, № ____). (Адрес: 102147, Ташкентская обл., Кибрайский район, село Салар, 2. Тел.: (+99878) 150-79-34, 150-78-95. Факс: (+99878) 150-78-94).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2025 год.

(Протокол рассылки № ____ от « ____ » _____ 2025 года)

У.Х. Алимов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук, профессор

И.И. Хайрединова

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
философии (PhD) по медицинским наукам

Ф.Ш. Бахрамов

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор философии (PhD) по
медицинским наукам

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Тревожные расстройства остаются самой распространенной группой психических расстройств во всем мире. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), по состоянию на 2018 год более 301 миллиона человек страдают тревожными расстройствами, 280 миллионов страдают депрессией и 40 миллионов страдают биполярным расстройством.¹ В этой связи особую значимость приобретает научное изучение клинко-патохарактерологических особенностей тревожно-невротических расстройств, выявление их социально-психологических детерминант и личностных факторов. Признание указанных аспектов в качестве самостоятельной научной проблемы открывает перспективы для разработки теоретически обоснованных и клинически эффективных подходов к оказанию психиатрической помощи указанной категории пациентов. Проведение целенаправленных фундаментальных и прикладных исследований в данном направлении представляется особенно актуальным.

В мире проводится ряд научных исследований, направленных на достижение высокой эффективности в совершенствовании ранней диагностики, лечения и профилактики опасных невротических расстройств. В этом случае возникает необходимость проведения научных исследований по вопросам определения аспектов психотерапевтической взаимозависимости тревожных расстройств совместно с основным лечением, оценки клинко-патохарактерологических особенностей и разработки основных критериев профилактики.

В нашей стране проводится ряд научных исследований, направленных на качественное развитие медицинской сферы, повышение качества медицинских услуг, оказываемых населению, в том числе раннюю диагностику и эффективное лечение тревожно-невротических расстройств, поэтапное оценка клинических особенностей и поднятие уровня профилактики на новый уровень. В целях обеспечения дальнейшего повышения качества медицинских услуг, оказываемых населению, в соответствии со Стратегией действий Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям развития, запланированным на 2017-2021 годы, в повышении уровня медицинского обслуживания до населения на новый уровень, важными задачами определены «профилактика и диагностика заболеваний, широкое внедрение современных технологий, высокое обеспечение квалифицированной и качественной медицинской помощи».² Исходя из этого, среди прочего, необходимо дальнейшее углубление исследований по выявлению интегративных психотерапевтических мер лечения тревожно-невротических расстройств, а также по совершенствованию методов диагностики и лечения таких больных.

¹ Global Health Data Exchange. Seattle: Institute for Health Metrics and Evaluation; 2019

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 19.06.2023 йилдаги ПК-196-сон Аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида (2023 г. 5 сентабры)

Настоящее диссертационное исследование направлено на реализацию задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан №4947 от 07 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указе Президента Республики Узбекистан, от 07.12.2018 г. № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 16.03.2018 г. № ПП-3606 «О мерах по коренному совершенствованию системы оказания психиатрической помощи», Постановлении Президента Республики Узбекистан №4190 от 13 февраля 2019 года «Об утверждении концепции развития психиатрической службы населения Республики Узбекистан в 2019-2025 годах» и других нормативных правовых документах, связанные с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан – VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Сегодня в современной психиатрической науке уделяется внимание безупречному применению методов, направленных на решение задач, связанных с разработкой высокоэффективных методов краткосрочной психотерапии. Российские исследователи (Гаранян Н.Г., 2023; Холмогорова А.Б., 2021) и другие специалисты провели исследования по краткосрочной интегративной психотерапии психических расстройств, в том числе депрессивных эпизодов (Bandelow B., Michaelis S., Wedekind D. 2023), невротических тревожных расстройств. Если эффективность краткосрочных подходов применялась рядом исследователей, особенно в сочетании когнитивно-поведенческой и экзистенциальной терапии (Эльзессер А.С., Капустина Т.В., 2024; Маркелова Е.В., 2018; Barkowski S., et al., 2020), то традиционные Китайская медицина в Пекинском университете в то время как модели краткосрочной терапии с элементами были протестированы и показали умеренные результаты в снижении тревоги у молодежи (Wang J. et al., 2017).

Существует ряд исследований, оценивающих эффективность психотерапии тревожных невротических расстройств, специалисты престижных зарубежных университетов, в том числе Clarke E., Kiropoulos L.A. (2021) провели исследования, показавшие, что кратковременная интегративная психотерапия у пациентов с тревожно-невротическими расстройствами приводит к улучшению качества жизни, положительным изменениям во взаимоотношениях (Di Giuseppe L.D., Keller S.S., Proietti R., 2024), самооценке пациентов и общем состоянии здоровья. Cuijpers P., et al. (2020) использовали методы психотерапии, основанные на психоанализе, и когнитивно-поведенческую психотерапию. Было обнаружено, что пациентам трудно выражать эмоции и справляться с ними.

В Узбекистане данное направление исследования психотерапевтических интервенций находится на стадии активного развития (Н.И. Ходжаева и др., 2014; З.Ш. Ашуров и др., 2023; Ж.Т. Рустамова, 2023), а научные

исследования в основном сосредоточены на использовании психодинамических (С.А. Ахмедов 2017) и когнитивно-поведенческих методик (Л.А. Турсунходжаева, Л.Т. Баймирова, 2021) в амбулаторно-поликлинической практике. Раннее выявление развития тревожно-невротических расстройств, принципы медико-психологического сопровождения, в том числе эффективность краткосрочной интегративной психотерапии, не изучены. Соответственно, в настоящее время актуальным и в будущем будет комплексное воздействие на когнитивные, эмоциональные и поведенческие характеристики тревожно-невротических расстройств, повышение эффективности лечения, сокращение сроков лечения, снижение вероятности рецидивов. определяет его социально-экономическое значение. Данная диссертация направлена на решение этих проблем.

